

Турдиева Ҳулкар Комиловна – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси, Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҳулкар Турдиева 2010 йилдан педагогик, илмий, таржимонлик, журналистлик фаолиятлари билан шуғулланиб келган. Шунингдек, бир қатор хориж давлатлари грантлари соҳиби бўлган. Жумладан, 2011-2012 йил Индонезия Таълим вазирлигининг “Darmasiswa” номли таълим гранти ва 2013-2016 Индонезия давлати, Маланг Муҳаммадия университетининг “Learn and teach” педагогик гранти ғолиби бўлиб у ерда малака оширган. 2016-2017 йил Япония давлати, JAUW (Japanese association of University of Women) ташкилоти тақдим қилган грантда ҳам ғолиб бўлиб, Цукуба университетида профессор Оно Масаки раҳбарлигида “Япон ва ўзбек тилларида нутқий этикет” мавзусида тадқиқот олиб борган.

2012 йилдан бери қатор хорижликларга ўзбек тилидан дарс бериб келяпти.

2020 йил марҳума профессор Сарвиноз Сотиболдиева илмий раҳбарлигида “Нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи (форс ва ўзбек тилларидаги материаллар асосида)” мавзусида диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳозирги кунда профессор Баҳодир Каримов илмий раҳбарлигида “Шерали Турдиевнинг ўзбек адабиётшунослиги тарихида тутган ўрни” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида изланишлар олиб боряпти.

20 дан ортиқ илмий мақолалар, 10 дан ортиқ таржималар муаллифи.

ijod nashr

ISBN: 978-9943-6560-2-4

ҲУЛКАР ТУРДИЕВА КОМИЛОВНА

# ЎЗБЕК ВА ФОРС ТИЛЛАРИДА НУТҚ ОДОБИ

## *(лингвопрагматик тадқиқ)*

***Монография***